







Хабарлар

Экотуристтик салоҳият

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотидида "ЭКОСАН-ТУР" экологик туризм халқаро маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти" мавзусидаги халқаро учрашув ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг минтақалари бўйича янги экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш ва мавжудларини янада кенгайтириш, экологик туризмни ривожлантириш минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.



Ойдин Собировани хотирлаб

Кеча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида машҳур ёзувчи ва журналист Ойдин Собированинг 100 йиллигига бағишланган адабий хотира кечаси бўлиб ўтди.

Мамарасул БЕКИЕВ

Сизни Ватан кутади

Бугунги ёшлар - битирувчиларнинг ўқтам қиёфаларига боқиб, кўнглимизда ҳавас уйғонади. Юрт эртаси ишончли кўлларида, дев дилда шукроналик тузимиз. Битирувчиларнинг юраклари эса жўшқин дарёдек орзулар билан лиммо-лим.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги ўқишга кирмоқчиман, - дейди Ғождувон туманидаги 62-иқтисодлашган мактаб-интернат битирувчиси Нисомжон Ҳамроев.

Ҳа, кеча сўнги кўнгирак сандос янграб, битирувчилар қадрдон мактаблари, устозлари билан жайролашди. Олинди эса уларни муқтаб хайрат остида қўлиб турибди.

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Орзулар остонасида

Кеча юртимиздаги барча таълим мактабларида зўр шодийна билан ўтказилган "Сўнги кўнгирак" тадбирлари Андижон вилоятида ҳам кўтаринкилик руҳида ўтди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилётган туб ислохотларнинг ижобий самаралари кўзни қувонтиради. Истиклол йилларида барпо этилган мактаб-интернатимиз бу йил ўнинчи бор ёш нихолларни учирма қиляпти.

Сўнги кўнгирак нафақат ўқувчи ва ўқувчиларнинг, балки барчамизнинг байрамимизга айланган, унинг қувончли дамлари ҳар бир хонадонга фарзандлар шодлиғи ила кириб боради.

Меҳр нури

Беғубор болалик, шўх-шодон ўсмирлик йиллари ортада қоляпти.

Усдик-улғайдик, ота-оналаримиз, устозларимиз бизга сунъч бўлди, ҳаётни ўргатди, билим берди. Эндиги орзумиз янада барқамол бўлмоқ, ҳаётда ўз ўрнимизни топоқ, эл-юртга сунъч бўла билиш, ўзимиз қизиққан касб сирларини пухта эгаллашдир.

Махфуза ДАВРОНОВА, Пахтачи туманидаги 21-мактаб 9-синф битирувчиси.

Жаранглади сўнги кўнгирак



Б.АКРАМОВ («Қишлоқ ҳаёти») ва М.АМИН (Ўза) олган суратлар.

"Ҳасрат боғи"

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида яна бир янги спектакл тақдими бўлиб ўтди.

Таниқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло қаламига мансуб "Ҳасрат боғи" номли мазкур асарни режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров сахналаштирган.

Тақдимот

Ҳа, кеча сўнги кўнгирак сандос янграб, битирувчилар қадрдон мактаблари, устозлари билан жайролашди. Олинди эса уларни муқтаб хайрат остида қўлиб турибди.

Беҳзод ҚОДИРОВ

ЧФ "ROMATA" Юнусабадского района г.Ташкента объектив об уменьшении Уставного фонда с 542416 сум до 10000 сум.

SPORT O'LAMIDA

Шоҳмотчиларимиз пешқадамлик қилишмоқда

Италиянинг Турин шаҳрида 37-Бутундунё шоҳмот Олимпиадаси бошланди. 1-турни ямайкалик шоҳмотчиларга қарши ўтказган эркаклар терма жамоамиз рақибларини 3,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратти.

2-турда эса вакилларимиз мезбонлар Италия терма жамоасига қарши дونا суришти. Мазкур учрашувларда ҳам Темур Гареев, Антон Филиппов ва Сайдали Йўлдошевлардан иборат терма жамоамиз 3,5:0,5 ҳисобида рақибларидан устун келишти.



Олимпиада баҳсларининг 3-турини вакилларимиз австралиялик шоҳмотчиларга қарши ўтказишти. Мазкур турда 18-Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг иштироки эгалиги мўлҳис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

3-турдан сўнг терма жамоамиз 10,5 очко ҳамғариб, Хитой ва Россия давлатлари билан кучли учлиқдан жой олган. Кейинги турда вакилларимиз украинлик шоҳмотчиларга қарши дона суради.

Аёллар терма жамоаси ҳам 1-турни галаба билан яқунлашганди. Фиджилик шоҳмотчилар устидан 0:3 ҳисобида устун келган ҳамюртларимиздан иккинчи даврада омад оз ўғирди.

3-турни эса ҳамюртларимиз Нигерия терма жамоасига қарши ўтказиб, 3:0 ҳисобида галаба қозоништи. Мазкур баҳсларда Ольга Собирова, Розамари Амадасунни мағлубиятга учратган бўлса, Юлдуз Ҳамроқулова Рейчел Эдвард-Далпадан устун келди.

Ўзбекистон ярим финалда

24 май кунини Тошкентда ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионати гуруҳ баҳслари яқунлашти. Мусобақа мезбони Ўзбекистон терма жамоаси ярим финалга йўлланма берувчи баҳсда хитойлик рақибларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "А" гуруҳи ғолиби бўлди.

Бу гуруҳдаги Малайзия ва Хитой Тайпейи ўйини 5:4 ҳисоби билан ниҳосига етди. 3-турдан жой олган яна бир марказий учрашув



"В" гуруҳи жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Япония ва Тожикистон терма жамоалари ярим финал йўлланмаси учун кураш олиб боришти.

Кизикарли ва кескин курашлар остида ўтган учрашув 11:6 ҳисобида кунчиқар юрт вакиллари фойдасига ҳал бўлди.

"С" гуруҳида ҳам сўнги 3-тур ўйинлари бўлиб ўтди: Қирғизистон - Кувейт 2:0, Австралия - Ливан 6:4. Қирғизистон терма жамоаси 2-турдаёқ ярим финал масаласини ҳал қилганди.

"D" гуруҳида Эрон терма жамоаси уч учрашувни ҳам галаба билан яқунлаб, 23 май кунини ярим финалга чиқиб бўлганди. Бугун бўлиб ўтадиган ярим финал учрашувларида қуйидаги жуфтликлар бир-бирига қарши тўп суради: Ўзбекистон - Қирғизистон, Эрон - Япония.

Кройфф "Металлург" да

Ўзининг ажойиб ўйинлари билан футбол тарихидан жой олган афсонавий чарм тўп устаси Йохан Кройффнинг ўғли Хорди Кройфф ҳам отасининг изидан борганлиги мўлҳисларга яхши маълум.

Ўз вақтида "Барселона", "Манчестер Юнайтед", "Сельта", "Алавес" ва "Эспаньол"



клубларида тўп сурган Хорди икки йил профессионал футболдан четда юрди. Иккита давлат фуқаролигига эга бўлган Хорди отасини каби Голландия терма жамоасида тўп суришни афзал қўрди ва 1996 йил Европа чемпионатида "лолалар юрти" шарафини ҳимоя қилди.

Энди кичик Кройфф яна фаолиятини давом эттиради. "Korrespondent.net" интернет сайтининг хабар беришича, Хорди Донецкнинг "Металлург" клуби билан шартнома имзолаган. 32 ёшли футболчининг Украинага келишига "Металлург" ва испаниялик мутахассис Анхел Алонсо Эрреронинг бош мураббий бўлиши сабаб бўлди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан ХАЛҚ БАНКИ. Республикамиз Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида миқозларга янги "АЙЁМ" ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ. Омонатга пул маблағлари 100 кун муддатга, камида 10000 сўм ҳудудида Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Танловда қатнашишга таклиф. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида локал компьютер тармоғини ташкил этиш бўйича очик танлов эълон қилади. Танловга компьютер технологиялари билан шуғулланувчи мамлакатимизда мавжуд бўлган барча компания ва фирмалар, шу жумладан, чет эл компания ва фирмалари ҳам қатнашиши мумкин.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИ РАҚБАРААРИ, ТАДБИРКОРААР ДИҚҚАТИГА! АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА! РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS. "ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Бош муҳаррир: ҲАҚИМ РАҲМАТ. ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ҳамид БАҲРОЕВ, Фахриддин ҚАЛОҶОВ, Қомильжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Ҳатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-366-22-60-525; Самарқанд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Саварқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Силдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР: -тижорат мақола. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ: Д.УЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчилар: Р.ЕДҒОРОВ, А.САФОНОВ. Бош мусоҳиҳ: Ҳ.ТОШҲУҶАЕВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади. Буюртма Г-717, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -15193. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 2 3 4 5 6